

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ  
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ  
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И  
№ 1-1416-2602/104**

2026 йил апрель ойининг 7 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси ўз биносида очик суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси Х.Келдиярова,

хайъат судьялари Ф.Худайбердиев ва А.Акрамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Турсунболтаевнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ш.Эгамбердиев, судланган Ф.Х.нинг ҳимоячиси – адвокат А.Усмановнинг иштирокида, Ф.Х.га оид жиноят ишини судланган Ф.Х. ва унинг ҳимоячиси – адвокат А.Усмановнинг шикоятига асосан кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2026 йил 9 февралдаги ҳукмига кўра,

1991 йил 3 июнь куни Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, Самарқанд шаҳридаги “Металл глоба” МЧЖ директори, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2023 йил 5 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан тугатилган, Самарқанд шаҳри, “----” маҳалласи, ----- кўчаси, 18-уйда яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган **Ф.Х.га**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2025 йил 19 декабрь куни соат тахминан 18:30ларда ЙҚХБ ходимлари томонидан Ургут туман “Омонқўтон” мунтазам ЙПХ масканида “Самарқанд-Китоб” йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб кетаётган 30S ---SS давлат рақамли “BMW” русумли автомашинаси тўхтатилиб текширилганда ўзини шубҳали тутганлиги сабабли, шахсий тинтув қилинган вақтида, шимининг кичик ўнг чўнтагида



1 дона целофан қирқимига қадокланган тўқ жигар рангли, ўткир ҳидли 0,36 граммга тенг бўлган амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланган озгинадан кўпроқ миқдордаги “опий” гиёҳвандлик моддасини келгусида ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Кассация шикоятда, судланган Ф.Х. томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланиши, у қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яшаш ва иш жойларидан ижобий тавсифланиши, бетоблиги сабаб ҳозирда соғлиғи ёмонлашгани, ўзи раҳбарлик қилиб келган корхонага олинган кредитдан қарздорликларнинг тўланишига салбий таъсир бўлаётганлиги сабабли Ф.Х.га нисбатан ЖКнинг 57 ва 57<sup>1</sup>-моддаларини қўллаб жарима жазосини тайинлаш сўралган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси Х.Келдиярованынг маърузасини, прокурор Ш.Эгамбердиевни шикоятни рад этиш ва биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувган Ф.Х.нинг ҳимоячиси – адвокат А.Усмановнинг келтирилган шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Ф.Х.нинг айби, ўзининг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида берган кўрсатувларидан ташқари, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари, суд мажлисида сўралган гувоҳнинг кўрсатувлари, билдирги, амбулатор суд-наркологик экспертизанинг 6-сонли далолатномаси, судга оид кимёвий экспертизанинг 1859-сонли хулосаси, шахсий тинтув баённомаси ва далолатномаси каби ишда мавжуд бўлган бир қатор ҳолисона далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

-фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81–моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

-далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

-далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги” хусусида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, жиноят ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тергов органи томонидан тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи азаридан баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22–моддаси



талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб, қонуний ва асосли тўхтамга келган.

Шу боис, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Ф.Х.нинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Судлов ҳайъати шикоятдаги, жазони енгиллаштириш ҳақидаги вазлар билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

- 42-моддаси 2-қисмида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

- 54-моддасида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги,

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақида,

Қолаверса, Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 34-банди, 2-хатбошисида, жиноятнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчилари, шу жумладан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни сотувчилар, ўтказувчилар, бундай восита ёки моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг худуди орқали транзит тарзда ўтказган, шу каби жиноятлар учун муқаддам судланган, вояга етмаганларни бундай жиноятларга жалб қилган шахслар



оғирроқ жавобгарликка тортилишлари лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан Ф.Х.га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда моддий ва процессуал қонун талабларига риоя этган ҳолда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини инобатга олиб, содир этган қилмиши санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида қонуний, асосли ва адолатли тўхтамга келган.

Шикоятда келтирилган важлар биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Ф.Х.га нисбатан жазо тайинлашда инобатга олинганлиги сабабли, ҳозирги кунда унга нисбатан тайинланган жазони янада енгиллаштириш учун асослар мавжуд эмас.

Судлов ҳайъати, кассация шикоятда келтирилган важлар суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли суд ҳукмининг Ф.Х.га оид қисмини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 483, 509<sup>9</sup> ва 509<sup>10</sup> -моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси суди:

## **А Ж Р И М Қ И Л А Д И :**

Жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2026 йил 9 февралдаги Ф.Х.га оид ҳукми ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикояти қаноатлантirmасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:**

**Х.Келдиярова**

**Ҳайъат судьялари:**

**Ф.Худайбердиев**

**А.Акрамов**

